Pearson BTEC

Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража

# Стратегик бошқарув ва лидерлик

соҳаси бўйича

Профессионал Диплом

## 3-модул: Стратегик ўзгаришларни бошқариш

## Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



**Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари**

Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

**Pearson ҳақида**

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги лидер ўқитиш берувчи компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com. сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

*Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).*

*Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.*

ISBN 978 1 446 96474 3

Ушбу нашрдаги барча материаллар
© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади

# Мундарижа


**Кириш** **1**

**3-модул: Стратегик ўзгаришларни бошқариш** **3**

Ўқув қўлланма 3

Иш схемаси 15

Дарс режаси 25

Мустақил топшириқ йўриқномаси 53

# Кириш

Мазкур манбалар буклети Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профессионал Диплом спецификациясини тўлдирувчи материалдир. Спецификация сизни нимани ўқитиш ва баҳолаш лозимлиги билан таништиради. Ушбу буклетда сиз юқоридаги вазифани қандай бажариш мумкинлиги тўғрисида таклиф ва ғояларни топасиз.

Буклет сизга дарс ўтиш ва таълим бериш борасида ғояларни тақдим этган ҳолда, ўз ичига, шу жумладан амалий дарслар, реалистик сценарийлар, иш берувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш йўллари ва мустақил таълимни бошқариш ҳамда баҳолаш услубларини олади. Буклет, шунингдек спецификацияда акс этган маълумот қай тарзда амалиётда ишлашини намоён этиб, сизни малака оширишнинг турли йўлларини излашга рухлантиради.

Мазкур манбалар буклети қуйидагиларни тақдим этади:

- модулларни қай тарзда квалификацияни ўқитишга кўмаклашиши тўғрисида қўлланма;
- модулларни квалификацияни ўқитишга ёрдам берувчи тавсия этилган манбалар;
- квалификация барча модулларини қамраб олган мавзу, вазифа ва баҳоларни тушунтириб берувчи ишлар схемаси;
- модул бўйича қай тарзда дарсларни ўтиш тўғрисида батафсил қўлланмали Дарс режалари;
- барча квалификация модулларини баҳолашни ўтказишда кўмаклашувчи Мустақил топшириқ йўриқномалари.

Мазкур манбалар буклетидаги маълумот квалификацияни тузиш билан яқин боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан йиғилганлиги сабаб, улар BTEC малака ошириши ўқитилишининг янги ва қизиқарли услубларини излаш билан боғлиқ муаммоларни яхши тушунишади.

Буклетда келтирилган Ўқитишга доир қўлланмасида, квалификация бўйича таълимни режалаштиришда нималарни эътибордан четда қолдирмаслик тўғрисида маълумот мавжуд. Қуйидагилар ҳақида маълумотлар мавжуд:

- сизнинг квалификация курсингиз таркиби;
- қандай қилиб ўз ўқувчиларингиз учун квалификацияни тузиб олишингиз;
- қандай қилиб сиз иш берувчилар билан алоқага чиқишингиз мумкинлиги тўғрисида таклифлар;
- бошқа ёрдамчи ва мақбул манбалар.

Биз сизга индивидуал қўлланма бердик. Ушбу қўлланма ўз ичига ўқув мақсадларига қай тарзда ёндашиш кераклиги борасида таклифларни, шунингдек дарсларни қизиқарли ва ранг-баранг тарзда ўтишга доир ғояларни олади. Шу билан биргаликда, сиз ўз вазифаларингизни қай тарзда режалаштириш тўғрисида маслаҳат ва ғояларни топасиз.

Ҳар бир модул учун биз синчиклаб танланган манбаларни қўшдик. Ресурслар рўйхати сиз ўз ўқивчиларингизга тавсия этишингиз ва/ёки ўқитишда ишлатишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеоларни ўз ичига олади.

# 3-модул: Стратегик ўзгаришларни бошқариш

## Ўқув қўлланма

Мазкур квалификацияни олувчи ўқувчилар раҳбарлик лавозимларида сезиларли тажрибага эга бўлишлари мумкин. Ушбу тажрибадан стратегик ўзгаришлар моделларини турли контекст ва ҳолатларда қўлланилишини синфда муҳокама қилаётганда фойдаланишга ҳаракат қилинг.

Масалан, айрим ўқувчилар йирик ташкилий ўзгаришлар, компанияни қайта ташкил қилиш каби жараёнларида иштирок этаётган бўлишлари мумкин. Бошқалари эса, ташқи ўзгаришлар таъсирига дуч келган ташкилотларда ишлаётган бўлишлари мумкин. Ташқи муҳит ўзгариши ўз ичига масалан, давлат сиёсати ўзгариши ёки глобаллашув таъсирини олиши мумкин.

Ўқувчиларга ўз тажрибаларини синфда ялпи муҳокама ўтказиш ёки жуфт бўлиб ишлаш давомида синфнинг қолган қисми билан ўртоқлашиш имконини беринг. Мазкур дастур доирасида ўқувчиларга қуйидагилар тавсия этилади:

- аниқ бир контекстда назарий моделларни қўллаш;
- ташкилотнинг турли вазиятларга стратегик жавобини танқидий баҳолаш;
- ўзгаришларни бошқаришнинг турли стратегиялари натижасини баҳолаш.

**5-расмда** сиз қай тарзда ушбу модулни ёки ўқувчиларнинг иш тажрибасини ёки кейс-стади / тадқиқот ишлатган ҳолда тақдим этишингиз мумкинлиги акс этган. Шунингдек, ўзгаришларни бошқариш борасидаги турли ёндашувларни қиёслаш ва таққослаш тавсия этилади, шунинг учун ўқувчиларни турли кейс-стадилар бўйича тақсимлаш имкониятини кўриб чиқишингиз мумкин. Шундай қилиб, стратегик ўзгаришлар моделлари ва уларни қўллашни тушуниш даражасини баҳолаш учун синфда муҳокамалар ўтказишингиз мумкин.




**5-расм:** 3-модулда ўқувчи йўли

## Модул билан танишиш

Мазкур «ўзгаришларни бошқариш» модули контексти стратегик ўзгаришларга қаратилиши керак. Кейс-стадининг келгуси тадқиқотларни ўтказиш ёки ўқувчиларнинг бевосита иш тажрибалари нуқтаи назаридан ўзгаришларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлиги ва яроқлилигини аниқлашда стратегик ўзгаришлар қуйидаги барча ёки баъзи хусусиятларни ўз ичига олиши лозим:

- ташкилотнинг узоқ муддатли мақсадларининг фундаментал ўзгариши;
- ташкилот ривожланишини бўлажак йўналишининг ўзгариши;
- ташкилот доирасида стратегик раҳбарларни жалб қилиш;
- асосий манфаатдор томонларнинг қатнашуви ва қўллаб-қувватлаш;
- ресурсларни жалб қилиш;
- ташкилот фаолияти самарадорлигига таъсири.

**6-расм** ушбу ёндашув амалиётда қай тарзда ишлашини кўрсатади.




**6-расм:** Стратегик ўзгаришлар жараёнининг таркибий қисмлари, 3-модулда қўлланилади

Нотиқларни синфга таклиф этиш - иш контекстида ўқувчиларнинг тадқиқотлари қай тарзда қўлланилишини намойиш қилишнинг яхши усулидир. Ўқувчилар билан учрашувга йирик компания ёки вазирлик/давлат органида ишловчи одамлар таклиф эти лиши мумкин.

Нотиқларни синфга таклиф этишда, ўқувчилар яхши тайёргарлик кўришлари муҳим аҳамият касб этади. Бунинг самарали усули ўқувчилар томонидан саволлар рўйхатини тайёрлаш ва ўқувчилар ўртасида тақсимлашдир.

Ўқувчилар томонидан бериладиган саволлар қуйидаги мавзуларни қамраб олиши лозим:

- нотиқ ишлаётган ташкилотнинг стратегик мақсадлари;
- ташкилотдаги ўзгаришларнинг хусусияти – ўзгариш реактивми (масалан, атроф муҳитнинг ташқи таъсирига жавобан) ёки проактивми (масалан, фаолиятнинг инновацион усулларини жорий қилиш учун ёки янги маҳсулотни тарғиб қилиш)?
- ташкилотнинг стратегик ўзгаришларга ёндашуви – асосий етакчи кучлар, манфаатдор томонлар билан муносабати ва ўзгаришларга қаршилик қилиш хусусияти билан кураш;
- ўзгаришларни тарғиб қилиш учун зарур бўлган стратегик бошқарув кўникмалари;
- ривожланишни баҳолаш – нима иш берди, нима иш бермади – ва муваффақиятга таъсир ўтказувчи асосий омиллар (етакчилар, одамлар ва ресурслар).

Ўқувчиларга курс давомида якунланган шахсий тадқиқотлар портфолиосини янгилаб бориш фойдали бўлади. Мазкур портфолио шахсий ривожланиш режасини тайёрлашда, бошқарув ходимларини ривожлантириш дастурларини ўтишда ёки юқорироқ раҳбарлик лавозимларига ўтишда фойдали бўлиши мумкин.

## Баҳолаш модели

<table>
<tr><th colspan="2">Ўқитиш мақсади</th><th>Мундарижанинг асосий соҳалари</th><th>Баҳолашга тавсия этилган ёндашув</th></tr>
<tr><td>A</td><td>Ташкилий стратегик ўзгаришлар шартларини тушуниш</td><td>• Моделлар<br>• Стратегик аралашувлар.</td><td rowspan="4">Ёки<br>Ўқувчилар бирон ташкилотни танлайдилар ва ўзгаришлар моделини тузиб чиқадилар, мазкур ташкилотда стратегик ўзгаришлар билан боғлиқ саволларни аниқлаган ҳолда. Ўзгаришлар стратегиясини ишлаб чиқишда улар қай тарзда манфаатдор томонларни (улушдорларни) бошқаришларини ва танланган ўзгаришлар моделини қай тарзда амалга оширишни режалаштирганликларини кўрсатадилар. Уларнинг ҳисоботи ўзгаришлар киритилишидан олдинги ҳолатдан бошланиши керак.<br>Ёки<br>Ўқувчилар корхоналар раҳбарлари ва йирик халқаро корпорациялар ходимлари учун мўлжалланган халқаро журналга мақола тайёрлайдилар. Мақола кейс-стади шаклида бўлиб, сезиларли ўзгаришларга учраган ташкилотда стратегик ўзгаришларни бошқаришни кўриб чиқиши керак. Ўқувчилар ташкилий даражада асосий муаммолар сабабли юзага келган ўзгаришларга эътибор қаратишга қарор қилишлари мумкин.</td></tr>
<tr><td>B</td><td>Ташкилотдаги стратегик ўзгаришлар билан боғлиқ масалаларни тушуниш</td><td>• Ўзгаришлар зарурияти.<br>• Ўзгаришларга кўмаклашувчи омиллар.<br>• Тегишли ресурсларнинг мавжудлиги.</td></tr>
<tr><td>C</td><td>Ўзгаришлар стратегиясини ишлаб чиқишда манфаатдор томонларга лидерлик қилиш</td><td>• Ўзгартириш жараёнига манфаатдор томонларни жалб қилиш тизимлари<br>• Стратегик ўзгаришларни бошқаришга манфаатдор томонларни жалб қилиш<br>• Ўзгаришларга чидамлилик.<br>• Стратегиялар.</td></tr>
<tr><td>D</td><td>Жорий ўзгаришларни таъминлаш учун моделларни режалаштира олиш</td><td>• Ўзгаришлар учун мос моделларни ишлаб чиқишни режалаштириш.<br>• Ўзгаришлар моделини амалга оширишни режалаштириш.<br>• Тараққиётни мониторинг қилиш</td></tr>
</table>

| Ўқитиш мақсади | Мундарижанинг асосий соҳалари | Баҳолашга тавсия этилган ёндашув |
|---|---|---|
| | учун тегишли чораларни ишлаб чиқиш. | |

**Баҳолаш бўйича қўлланма**

Мазкур модулни баҳолаш бўйича тавсия этилган ёндашув ўқувчиларнинг барча тўрт ўқув мақсадларини қамраб олган битта топшириқни бажаришларидан иборат.

**A, B, C ва D ўқитиш мақсадлари: 1-топшириқ**

Ўқувчилар танлаб олинган ташкилот тўғрисидаги маълумотни ўрганиб чиқишлари ва мазкур ташкилотда стратегик ўзгаришларни режалаштириш борасидаги ҳисоботни ишлаб чиқишлари лозим.

A.P1 учун ўқувчилар ўзгаришларни бошқариш моделларига турли ёндашувларни тушунишларини кўрсатишлари лозим. Улар энг камида учта тасдиқланган моделни муҳокама қилишлари керак, ёндашувдаги фарқларга эътибор қаратган ҳолда.

A.P2 учун ҳисоботларига кириш қисмида ўқувчилар, ташкилот фаолияти мисоллардан фойдаланган ҳолда стратегик ўзгаришлар моделларининг долзарблигини баҳолашлари керак. Улар келтирган мисолларига ўзгаришлар учун моделларнинг мос келишини тушунтириб беришлари лозим.

A.P3 учун ўқувчилар ташкилотларда қўлланиладиган стратегик аралашув усулларини ишлатишнинг аҳамиятини баҳолайдилар. Уларнинг ҳисоботларида мазкур усуллар қўлланилган бўлиши лозим.

B.P1 ва B.P2 учун ўқувчилар ташкилот фаолиятига таъсир кўрсатувчи ва ўзгаришларга бўлган заруриятни бошқарадиган омилларни тушунишларини намойиш қилишлари лозим. Тушунишни намойиш қилиш ўқувчилардан фақатгина омиллар ва ўзгаришлар рўйхатини тузишни талаб қилмайди; улар ҳақиқатдан ҳам тадқиқот ўтказганликлари ва ташкилотдаги жорий ҳолатни ўрганиб чиқилганлигини кўрсатишлари, ҳамда ташкилотнинг ўзгаришларга бўлган заруриятига таъсир этувчи омилларни баҳолай олиш қобилиятини намойиш қилишларин лозим.

B.P3 учун ўқувчилар ўзгаришларга нисбатан чора кўрмайдиган ташкилотнинг мазкур харакатлар унинг ресурсларига кўрсатган таъсири оқибатини баҳолашлари лозим. Ўқувчилар мувофиқ молиявий, инсон ва жисмоний ресурслани баҳолашлари кутилади. Ташкилот ресурсларига етказилган зарар оқибатларига учрамайди деб кутилади.

C.P1 учун ўқувчилар ўзгаришларни режалаштиришга манфаатдор томонларни (стейкхолдерлар) жалб қилиш тизимларини ишлаб чиқишлари лозим. Мазкур тизимлар мувофиқ ва танлаб олинган ташкилот контекстида ишлаши лозим.

 

C.P2 учун ўқувчилар ўзгаришларни бошқариш жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган турли стратегияларни тушунишларини кўрсатиб беришлари керак. Улар танлаб олинган ташкилотда мувофиқ ўзгаришлар стратегиясини ишлаб чиқишлари ва ушбу жараёнга қай тарзда манфаатдор томонларни жалб қилишларини кўрсатиб беришлари лозим.

C.P3 учун ўқувчилар ўзгаришлар стратегияси ишлаб чиқишга манфаатдор томонларни жалб қилиш тизими самарадорлиги ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришлари керак. Улар мазкур жараённи яхши ишлаётган барча нарсаларни ва барча ишламаётган нарсаларни ва нима яна ҳам яхшироқ ишлаши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда баҳолашлари лозим.

C.P4 учун ўқувчилар ўзгаришларга қаршилик қилиш ҳар хил кўринишда намоён бўлишини тушунишларини кўрсатишлари керак. Самарасиз бошқарувда қаршилик илдиз отиши ва бутун ташкилотга тарқаши мумкин. Ўқувчилар ўзлари танлаган ташкилотга мос келадиган ўзгаришларга қаршилик кўрсатишни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишлари лозим. Уларнинг стратегиялари ушбу муаммоларни хал қилиши ва қаршиликни енгиб ўтишни таъминловчи амалий ёндашувни таклиф қилиши лозим.

D.P1 учун ўқувчилар ўзлари танлаган ташкилотларда жорий ўзгаришларга муносиб моделлар ишлаб чиқадилар. Моделлар ташкилот дуч келган ҳолатни акс эттириши керак.

D.P2 учун ўқувчилар ўзлари танлаган ташкилотда ўзгаришлар моделини қай тарзда қўллашни режалаштираётганликларини кўрсатишлари лозим. Шунингдек, ташкилотга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи ҳолатларни инобатга олиш лозим.

D.P3 учун ўқувчилар ўзгаришлар моделини амалга оширилишини мониторинг қилиш чораларини ишлаб чиқадилар. Мазкур чоралар амалий, амалга ошадиган ва ташкилий контекстга мос келиши лозим.

## Модулнинг бошланиши

Бошланиш ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади.

| 3-модул: Стратегик ўзгаришларни бошқариш |
|---|
| **Кириш**<br>Мазкур ўқув мақсадларини тақдим этишда машқлар ўқувчиларга ташкилотда стратегик ўзгаришлар қай тарзда амалга оширилиши ҳақида кўпроқ ўрганишга чорловчи тадқиқотларда иштирок этишга қаратилган бўлиши лозим. Мазкур модул учун стратегик мақсадлар белгилаб берган ташкилотдаги ўзгаришларни кўриб чиқамиз. Ушбу ташкилотлар одатда (аммо ҳар доим ҳам эмас) йирик корпорация ёки хусусий компаниялар бўлади.<br>**Муҳим изоҳ:** мазкур модул учун B ўқув мақсадини A ўқув мақсадидан олдин тақдим этиш тавсия этилади. |
| **A ўқитиш мақсади – Бошланиш ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади** |
| A ўқув мақсади учун B ўқув мақсади асосида ўтказиладиган муҳокамаларга таяниш ва стратегик ўзгаришларнинг турли моделларини тадбиқ этиш лозим бўлади. Ўқувчилар моделлар, айниқса, ўзлари танлаган ташкилотларга жорий иқтисодий муҳитда мос келиши мумкин бўлган моделлар бўйича шахсий тадқиқотларини ўтказадилар. Долзарб кейс-стадилар стратегик аралашувнинг турли усулларини аниқлаш ва ўрганиб чиқишнинг фойдали методи бўлиб хизмат қилади. Ўқувчилар ўзгаришларни стратегик бошқаришнинг турли ҳолатларида қўлланиладиган усулларни қиёслайдилар. |
| **B ўқитиш мақсади – Ташкилотдаги стратегик ўзгаришлар билан боғлиқ масалаларни тушуниш** |
| B ўқув мақсади ушбу модулнинг яхши таянч нуқтасидир, сиз шунингдек, ўқувчиларнинг тажрибасини уларнинг ўзига тегишли бўлган ташкилотларида қўллашингиз мумкин. Ўқувчиларни ўз иш жойларидаги ўзгаришларни муҳокама қилишга ва улар билан ўртоқлашишга унданг. Ўқувчилар ўз иш жойлари кўламида ўзгаришларга дуч келган бўлишлари мумкин, улар шунингдек, бошқа ташкилотлардаги стратегик ўзгаришларни мисол қилиб келтиришлари мумкин. |

| **3-модул: Стратегик ўзгаришларни бошқариш** |
| --- |
| **C ўқитиш мақсади – Ўзгартиришлар стратегиясини ишлаб чиқишда манфаатдор томонларга лидерлик қилиш** |
| С ўқув мақсадлари учун ўқувчилар ўзгаришлар таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи манфаатдор томонлар (улушдор) доираси ҳақида хабардор бўлишлари лозим. Ўзгаришлар жараёнини режалаштириш босқичида манфаатдор томонларни жалб қилиш учун қўлланилиши мумкин бўлган тизимларни жорий қилиш ва ривожлантиришда ўқитувчининг хиссаси зарур бўлади. Ўқувчилар ўз ташкилотларида ишлатилган ўзгаришларни бошқариш стратегиясини қўллашда орттирган шахсий тажрибаларига таянишлари мумкин. Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокамалар стратегияларни аниқлашнинг фойдали усули бўлиб хизмат қилади. Бу ўқувчиларга стратегиялар тўғрисидаги тушунчани, улар аниқланиши ва муҳокама қилинишига қараб, ривожлантириш имконини бериши мумкин.<br><br>Ўзгаришларга қаршилик қилишга кириш сифатида долзарб кейс-стадиларни кўрсатиш мумкин. Ўқувчилар уларга берилган мисолларни кўриб чиқадилар ва ўзгаришларга қаршилик қилишни бошқаришда ўринли бўлган стратегияларни муҳокама қиладилар. Масалан, Ўзбекистонда хорижий капиталнинг ички инвестициялари транснационал корпорациялар шаклида пайдо бўлиши оқибатида рақобат кучайиши натижасида ўзгаришларга қаршилик кўрсатиши кузатилиши мумкин. Бу хусусий секторда рақобат даражасига таъсир қилиши мумкин. Бу эса, хусусий сектордаги корхоналар томонидан стратегик чоралар кўриш заруриятини келтириб чиқаради. |
| **D ўқитиш мақсади – Давом этаётган ўзгаришлар муваффақиятини таъминлаш учун моделларни амалга оширишни режалаштира олиш** |
| D ўқув мақсадлари учун ўқувчиларга ташкилотларда ўзгаришлар йўналишларидаги ривожланишни мониторинг қилиш усулларини қўллашда ўқитувчи кўмаги керак бўлади. Улар ўзлари ишлаётган ташкилотдаги тажрибаларини қўллашлари мумкин. Ўқувчиларнинг ўзгаришлар моделини танлаш ва жорий этиш борасидаги режаларини ишлаб чиқишига қараб, уларга ўқитувчи томонидан қўллаб қўвватлов ва йўл-йўриқ зарур бўлади. |

 © Pearson Education Limited 2020

## ВТЕС ва квалификациянинг бошқа модулларига ҳаволалар

Мазкур модул 1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш билан боғлиқ.

## Ресурслар

**Китоблар**

Blake, I. and Bush, C. – *Project Managing Change: Practical Tools and Techniques to Make Change Happen,* Financial Times/Prentice Hall (2008) ISBN-13:9780273720454

Cameron, E. and Green, M. – *Making Sense of Change Management*, second edition, Kogan Page (2009) ISBN-13:9780749453107

Carnall, C.– *Managing Change in Organizations*, sixth edition, Financial Times/Prentice Hall (2007) ISBN-13:9780273736417

Diamond, M. A. and Allcorn, S. – *Private Selves in Public Organizations: The Psychodynamics of Organizational Diagnosis and Change*, Palgrave Macmillan (2009) ISBN-13:9780230613096

Dunphy, D., Griffiths, A. and Benn, S. – *Organizational Change for Corporate Sustainability*, second edition, Routledge (2007) ISBN-13:9780415393300

Fullan, M.– *Leading in a Culture of Change*, Jossey-Bass (2007) ISBN-13:9780787987664

Goncalves, M. – *Change Management: Concepts and Practice*, American Society of Mechanical Engineers (2007) ISBN-13:9780791802649

Green, M. – *Change Management Masterclass*, Kogan Page (2007) ISBN-13:9780749445072

HelmsMills, J., Dye, K. and Mills, A. J. – *Understanding Organizational Change*, Routledge (2009) ISBN-13:9780415355773

Herold, D. M. and Fedor, D. B. – *Change the Way You Lead Change*, Stanford University Press (2008) ISBN-13:9780804758758

Kehoe, D. – *Leading and Managing Change*, McGraw-Hill Professional (2008) ISBN-13:9780070137882

Leban, B. and Stone, R. – *Managing Organizational Change*, second edition, Wiley (2007) ISBN-13:9780470897164

Lewis, S., Passmore,J. and Cantore, S. – *Appreciative Inquiry for Change Management*, Kogan Page, (2007) ISBN-13:9780749450717

Nelson, S. – *Implementing for Results*, American Library Association (2009) ISBN-13:9780838935798

Black, J. S. and Gregersen, H. B. – *It Starts with One: Changing Individuals Changes Organizations*, Prentice Hall (2008) ISBN-13:9780132319843

**Журналлар**

*Academy of Management Journal* (Academy of Management)

*British Journal of Management* (Wiley)

*California Management Review* (University of California, Berkeley)

*European Management Journal* (Elsevier)

*Harvard Business Review* (Harvard Business Publishing)

*Journal of General Management* (Braybrooke Press)

*Journal of Management Studies* (Wiley)

*Management Today* (Haymarket Business Media)

*MIT Sloan Management Review* (Massachusetts Institute of Technology)

**Веб-сайтлар**

www.businessballs.com

Ўзгаришларни бошқариш тўғрисидаги мақолаларга ҳаволалар.

www.changingminds.org

Стратегик ўзгаришлар бўйича етакчи назариячиларнинг фойдали мақолалари.

www.managementhelp.org

Стратегик ўзгаришлар бўйича мақолалар ва бошқа ҳаволалар.

www.themanager.org

7S ўзгариш модели ҳақида маълумот.

www.mindtools.com

Воситалар, Lewin’s ўзгаришларни бошқариш моделини ўз ичига олади.

*Pearson ҳар қандай ташқи интернет сайтнинг мазмуни бўйича жавобгарликни ўз бўйнига олмайди. Ўқитувчилар ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан олдин URL-манзили тўғрилиги ва ундан фойдаланиш ўринли эканини текширишлари муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни қайдга олиб қўйишларини ва шунингдек мактабнинг/коллежнинг ички тармоғи орқали уланиш имконини беришни тавсия этамиз.*

# Иш схемаси

| | |
|---|---|
| **Модул** | 3-модул: Стратегик ўзгаришларни бошқариш |
| **Ўқув соатлари** | 30 |
| **Дарслар сони** | 10 |
| **Дарслар давомийлиги** | 3 соат |
| **Бошқа модулларга ҳаволалар** | Барча модуллар |

| **Ўқитиш учун калитлар** | | | |
|---|---|---|---|
| **ЁМТ** | Ёзма мустақил топшириқ | **ММ** | Материални мустаҳкамлаш |
| **ТЭС** | Таклиф этилган спикер | **Т** | Ташриф |
| **МЎ** | Мустақил ўқтиш | **ИТ** | Иш тажрибаси |

| **№** | **Мавзу** | **Дарс тури** | **Таклиф этиладиган машқлар** | **Ресурслар** |
|---|---|---|---|---|
| **1** | B1 ўзгаришларга бўлган зарурият | МТ | • **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи модул ва B ўқув мақсадини ўқувчиларга таништиради.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар ўз ташкилотларидаги стратегик ўзгаришлар борасида шахсий тажрибалари билан ўртоқлашадилар ва шу каби ўзгаришларга таъсир ўтказувчи омиллар ҳақида маълумот берадилар.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи турли сценарийларда стратегик ўзгаришларга асос келтиради. | Модул тавсифи.<br>Доска ва ручкалар.<br>Тақдимотлар.<br>Машқлар рўйхати/кейс-стади. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 2 | | | • **Кичик гуруҳларда ишлаш учун машқлар:** ўқувчиларнинг ҳар бир гуруҳига кейс-стадидаги стратегик ўзгаришлар заруриятини тадқиқ қилишлари учун алоҳида ташкилотни бириктиринг.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** ўқувчилар олдинги фаолият натижалари билан ўртоқлашадилар, ўқитувчи эса асосий омилларни аниқлашда кўмаклашади.<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи ўқувнинг асосий жойларини такрорлайди/мустаҳкамлайди. | |
| 2 | B2 Ўзгаришларга кўмаклашувчи омиллар<br>B3 Тегишли ресурсларнинг мавжудлиги | МЎ | • **Кириш:** ўқитувчи ўтган дарсни такрорлайди.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи ташкилотнинг ички ва ташқи муҳитини қай тарзда таҳлил қилишни тушунтиради.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар ўз ташкилотларининг ички ва ташқи муҳитини таҳлил қиладилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** ўқувчилар индивидуал фаолият натижаларини муҳокама қиладилар ва ўзгаришларнинг асосий омилларини анийлайдилар.<br>• **Кичик гуруҳларда ишлаш учун машқлар:** ўқувчилар асосий омилларнинг аҳамият даражасини ва ресурслар оқибатини аниқлаш учун ташкилий ўзгаришлар кейс-стадисин таҳлил қиладилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** ўқувчилар уларга тақдим қилинган кейс-стади бўйича чиқарган хулосаларини тақдим қиладилар. | Модул тавсифи.<br>Доска ва ручкалар.<br>Тақдимотл.<br>Машқлар рўйхати/кейс-стади. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Якуний сессия:** ўқитувчи ўқувнинг асосий жойларини мустаҳкамлайди. | |
| **3** | А1 Моделлар | МЎ | • **Кириш:** ўқитувчи ўтган дарсни такрорлайди ва А ўқув мақсадини тақдим қилади.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи стратегик ўзгаришлар моделини тақдим қилади: Kotter, Kübler-Ross ва Prosci**.**<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар қуйидаги ўзгаришлар моделларини тадқиқ этадилар ва уларни таҳлил қиладилар: McKinsey, KurtLewin, Burke-Litwin.<br>• **Кичик гуруҳларда ишлаш учун машқлар:** ўқувчилар ўзгаришлар моделлари хусусиятларини қиёслайдилар ва таққослайдилар ва уларнинг қўлланилиши ва камчиликларини кўриб чиқадилар.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар кейс-стадини ўқийдилар ва аниқ бир сценарийга ўзгаришлар моделларини қўллайдилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** кейс-стади таҳлили натижаларидан келиб чиқиб қайта алоқани муҳокама қилинг.<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи ўқувнинг асосий жойларини такрорлайди. | Модул тавсифи.<br>Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>Доска ва ручкалар.<br>Тақдимотлар.<br>Машқлар рўйхати/кейс-стади. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **4** | A2 Стратегик аралашувлар | МЎ | • **Кириш:** ўқитувчи олдинги дарснинг асосий қисмларини такрорлайди.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи стратегик ўзгаришлар турлари ҳақида маълумот беради.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар стратегик ўзгаришларнинг бошқа турларини ўрганадилар.<br>• **Кичик гуруҳларда ишлаш учун машқлар:** ўқувчилар ташкилий стратегик ўзгаришлар тўғрисидаги кейс-стадини якунлайдилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** энг мувофиқ аралашиш стратегияларини ва аниқ бир кейс-стади учун мувофиқ ўзгаришлар модели қўлланилишини муҳокама қилинг.<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи таълимнинг асосий жойларини такрорлайди. | Модул тавсифи.<br>Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>Доска ва ручкалар.<br>Тақдимот.<br>Машқлар рўйхати/кейс-стади. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **5** | С1 Ўзгартириш жараёнига манфаатдор томонларни жалб қилиш тизимлари | МЎ | • **Кириш:** ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди ва С ўқув мақсадини тақдим қилади.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи манфаатдор томонларни (улушдорларни) жалб қилиш тизимларини тақдим этади**.**<br>• **Кичик гуруҳларда ишлаш учун машқлар:** ўқувчилар манфаатдор томонларни (улушдорларни) жалб қилиш тизимлари тўғрисида кейс-стади кўриб чиқадилар.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар турли ташкилий тузилмаларни манфаатдор томонлар билан боғлиқликда тадқиқ қиладилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** ўқувчилар манфаатдор томонлар иштироки ҳақида қисқача видеолавха томоша қиладилар ва манфаатдор томонларнинг содиқликлигига эришиш учун муваффақият омилларини аниқлайдилар.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи кейс-стади қўллаган ҳолда жамоа ривожи ва билимдонлигига таъсир этувчи асосий кўникмалар рўйхатини тақдим этади.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** ўқувчилар ишлаётган ташкилотларда манфаатдор томонларни жалб қилиш тизимлари турлари ва уларнинг самарадорлигини муҳокама қилинг.<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи таълимнинг асосий жойларини такрорлайди. | Модул тавсифи.<br>Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>Доска ва ручкалар.<br>Тақдимотлар.<br>Видеоклип.<br>Машқлар рўйхати/кейс-стади. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **6** | С2 Стратегик ўзгаришларни бошқаришга манфаатдор томонларни жалб қилиш | МЎ | • **Кириш:** ўқитувчи олдинги дарснинг асосий жойларини такрорлайди.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи манфаатдор томонларнинг (улушдорларнинг) стандарт рўйхатини ўқувчиларга тақдим қилади.<br>• **Кичик гуруҳларда ишлаш учун машқлар:** ўқувчилар манфаатдор томонларни жалб қилиш усулларини муҳокама қиладилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** ўқувчилар уларга ажратилган етакчи амалиётни муҳокама қиладилар ва уни ўз иш жойларидаги етакчи амалиёт билан боғлайдилар.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар индивидуал кейс-стадини якунлайдилар, манфаатдор томонлар билан муносабатларнинг етакчи тажрибасини ва инновацион амалиётини аниқлайдилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** кейс-стадида кўрсатилган фойдали/инновацион амалиёт ҳақида ўқувчиларнинг фикрини муҳокама қилинг.<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи таълимнинг асосий жойларини такрорлайди. | Модул тавсифи.<br>Доска ва ручкалар.<br>Тақдимот.<br>Машқлар рўйхати/кейс-стади. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 7 | С3 Ўзгаришларга чидамлилик<br>С4 стратегиялар | МЎ | • **Кириш:** ўқитувчи олдинги дарснинг асосий жойларини такрорлайди.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар ўз ташкилотларида стратегик ўзгаришлар қай тарзда қаршиликка учраётганини муҳокама қиладилар.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи Mendelow матрицасини ва ўзгаришларга қаршилик кўрсатишга мисолларини ишлатган ҳолда манфаатдор томонларнинг кучи ва таъсирини тақдим этади.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар ўзгаришларга қаршилик кўрсатиш борасида кейс-стади кўриб чиқадилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** ўқувчилар жуфт бўлиб ишлаган машқлари натижалари билан ўртоқлашадилар.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи ўзгаришларга қаршилик қилиш билан курашиш стратегияларини тақдим этади.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар олдин бошлаган ўзгаришларга қаршилик кўрсатиш ҳақидаги кейс-стадини якунлайдилар.<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи таълимнинг асосий жойларини такрорлайди. | Модул тавсифи.<br>Доска ва ручкалар.<br>Тақдимотлар.<br>Машқлар рўйхати/кейс-стади. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **8** | D1 Ўзгаришлар учун мос моделларни ишлаб чиқишни режалаштириш | МЎ | • **Кириш:** ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди, сўнгра ассайментнинг қисқа таърифининг батафсил қўлланмасини тушунтиради.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи ўзгариш моделлари ва уларнинг қўлланилишини такрорлайди.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар топшириқ устида ишлашни бошлайдилар.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи 9-дарсга тайёргарлик тўғрисида ўқувчиларни ҳабардор қилади.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** ўқитувчи таклиф этилган нотиқ учун саволлар рўйхатини тузади ва уларни ўқувчилар ўртасида тақсимлайди. | Модул тавсифи.<br>Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>Доска ва ручкалар.<br>Тақдимотлар.<br>Ассайментнинг қисқа таърифи.<br>Машқлар рўйхати. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 9 | D2 Ўзгаришлар моделини амалга оширишни режалаштириш<br>D3 Тараққиётни мониторинг қилиш учун тегишли чораларни ишлаб чиқиш | ТЭН/МЎ | • **Кириш:** ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди ва таклиф этилган нотиқни таништиради.<br>• **Таклиф этилган нотиқ тақдимоти:** таклиф этилган нотиқ ўзгаришларни тайёрлаш ва тадбиқ қилиш борасида кейс-стади тақдим этади.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** ўқувчилар таклиф этилган нотиқнинг тақдимоти бўйича олдиндан тайёрлаб қўйилган саволларни берадилар.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар ўзгаришларни режалаштириш ва тадбиқ қилиш ҳақида кейс-стадини қиёсий таҳлил қиладилар ва баҳолайдилар.<br>• **Ўқувчилар тақдимоти:** ўқувчилар жуфтликда ишлаш натижаларини тақдим қиладилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** ўқувчиларга бир-бирларининг тақдимотларини кўриб чиқишда ўқитувчи кўмаклашади.<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи таълимнинг асосий жойларини такрорлайди. | Модул тавсифи.<br>Доска ва ручкалар.<br>Таклиф этилган нотиқ.<br>Таклиф этилган нотиқ тақдимоти.<br>Машқлар рўйхати/кейс-стади. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **10** | Топшириқ | ЁМТ | • **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи топшириқ қисқа таърифи талаб қиладиган натижадан ўтади.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** баҳолаш учун тақдим этилган вазифаларнинг кучли ва заиф томонларини муҳокама қилинг ва энг яхши амалиёт нуқтасини аниқланг.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар уларнинг шахсий профессионал амалиётлари қай тарзда 3-модулда қамраб олинган мавзуларга боғлиқлигини муҳокама қиладилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** Модул 2: стратегик менежерлар учун профессионал ривожланиш билан алоқа ўрнатган ҳолда, ўқувчиларнинг профессионал ривожланишларини такомиллаштириш учун модулдан олинган асосий дарсларни муҳокама қилинг.<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи мазкур модул ва квалификациянинг бошқа модуллари ўртасидаги алоқани тасдиқлайди.<br>• **Ўқувчи баҳоси:** ўқувчилар модулни баҳолайдилар**.** | Модул тавсифи.<br>Модул тавсифи.<br>Ўқувчиларнинг баҳоланган иши.<br>Доска ва ручкалар.<br>Тақдимот.<br>Модул бўйича баҳолаш варақлари. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профессионал Диплом |
| **Модул** | 3-модул: Стратегик ўзгаришларни бошқариш |
| **Дарс рақами** | 1 (180 дақиқа) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Ўқувчилар**:**<br>• ташкилотдаги стратегик ўзгаришларнинг асослилигини тушуниб оладилар.<br>• турли секторларда фаолият юритувчи ташкилотлардаги ўзгаришлар сабабларини таҳлил қиладилар**.** |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Модул тавсифи.<br>• Доска ва ручкалар.<br>• **ТС1:** В ўқув мақсади бўйича презентация слайдлари ва қайдлар**.**<br>• **ТС2:** стратегик ўзгаришларнинг асослилиги борасида презентация слайдлари ва қайдлар.<br>• **МР1:** ўқувчиларнинг стратегик ўзгаришлар соҳасидаги тажрибалари.<br>• **МР2:** стратегик ўзгаришлар бўйича кейс-стади. |
| Калит: **МР**: Машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: Тақдимот слайди | |

<table>
<tr><th>Машқлар</th><th>Ўқитувчининг қайдлари</th></tr>
<tr><td>Бошланғич машқлар<br>(10 дақиқа)</td><td><ul><li>Ўқитувчи тақдимоти: ўқитувчи модулга кириш қилади ва предмет (TC1) ҳақида маълумот беради, В ўқув мақсадини қамраб олган ҳолда:<ul><li>ташкилий ўзгаришлар шарт-шароити;</li><li>ташкилий ўзгаришларга тааллуқли саволлар;</li><li>манфаатдор томонлар (улушдорлар) билан ишлаш;</li><li>ўзгариш моделини амалга ошириш.</li></ul></li></ul></td></tr>
<tr><td>Асосий машқлар<br>(150 дақиқа)</td><td><ul><li>Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар стратегик ўзгаришлар билан боғлиқ ўз тажрибалари билан ўрторқлашадилар, стратегик ўзгаришларга мисол келтириб ва ташкилотга стратегик ўзгаришларнинг таъсирини инобатга олган ҳолда (MP1). Ўқувчилар натижаларни гуруҳнинг қолган аъзоларига тақдим этадилар.</li><li>Ўқитувчи тақдимоти: ўқитувчи турли сценарийларда стратегик ўзгаришларнинг асослилигини тақдим қиладилар (TC2), шу жумладан:<ul><li>бюджетга босим;</li><li>қонунчилик;</li><li>кўлам;</li><li>демография;</li><li>бирлашувлар;</li><li>харидлар;</li><li>миссия ўзгариши;</li><li>реструктуризация бўйича операциялар;</li><li>янги технологиялар;</li><li>йирик ҳамкорлик;</li><li>кўламни аниқлаш тартиби;</li><li>янги дастурлар Total Quality Management (TQM) каби;</li><li>қайта лойиҳалаш.</li></ul></li></ul></td></tr>
</table>

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| | • **Кичик гуруҳларда ишлаш учун машқлар:** ўқитувчи ўқувчиларнинг катта бўлмаган гуруҳи учун турли кейс-стадиларни аниқлайди. Ўқувчилар кейс-стадини ўрганиб чиқадилар ва натижаларни гуруҳнинг қолган қисмига тақдим қиладилар **(MP2).** Кейс-стади стратегик ўзгаришларнинг қуйидаги жихатларини қамраб олади:<br>o бозордаги ўзгаришлар;<br>o иқтисодий инқирозлар;<br>o жаҳон бозорларидаги ўзгаришлар;<br>o мижозлар кутилаётганлари;<br>o рақобатбардошлик.<br>• **Ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** ўқувчиларнинг тақдимотларидан ўқитувчи хулоса чиқаради, шу жумладан:<br>o стратегик ўзгаришларнинг асосий хусусиялари;<br>o ўзгаришларнинг муддатлари;<br>o стратегик ўзгаришларнинг муаммолари. |
| Якунловчи машғулотлар<br>(20 дақиқа) | • **Якуний сессия:** ўқитувчи таълимнинг асосий жойларини такрорлайди. |
